



Муаллиф: доктор Носир Сулаймон Умар
Мутаржим: Абу Мухаммад ал-Асарий

Барча мақтovлар Аллоҳ таологагина хосдир. Биз Унга ҳамду санолар ва истиғфорлар айтиб, Ундан ёрдам ҳамда нафсимизнинг шумлиги ва ёмон амалларимиздан паноҳ сўраймиз. Аллоҳ ҳидоят қилган кишини адаштирувчи, адаштирган кимсани ҳидоят қилгувчи йўқдир. Мен «Шериксиз ягона Аллоҳдан ўзга ҳақ илоҳ йўқдир ва Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Унинг бандаси ва элчисидир» деб гувоҳлик бераман.

«Эй мўминлар, Аллоҳдан ҳақ-рост қўрқиши билан қўрқинглар ва фақат мусулмон бўлган ҳолларингда дунёдан ўтинглар!» (Оли Имрон: 102).

«Эй инсонлар! Сизларни бир жондан яратган ва ундан жуфтини вужудга келтирган ҳамда у икковидан күп эркак ва аёлларни тарқатган Роббингиздан қўрқингиз! Яна ораларингиздаги савол-жавобларда ўртага номи солинадиган Аллоҳдан қўрқингиз ва қариндош-уруғларингиз (билин ажралиб кетишдан қўрқингиз)! Албатта Аллоҳ устингизда кузатувчи бўлган зотdir»



(Нисо: 1).

«Эй мүминлар, Аллоҳдан қўрқинглар, тўғри сўзни сўзланглар!
(Шунда Аллоҳ) ишларингизни ўнглар ва гуноҳларингизни
мағфират қилур. Ким Аллоҳга ва Унинг пайғамбарига итоат
этса, бас у улуғ баҳтга эришибди» (Аҳзоб: 70, 71).

Қалблар қорайиб, иймон заифлашган, одамлар дунёга овора бўлиб, охиратни унутишган бир пайтда қалб, унга келадиган синовлар ва имтиҳонлар ҳақида сўз юритиш ўта аҳамиятлидир.

Биз инсон қалби-юраги жарроҳлиги ҳақида талайгина янгиликлардан хабардормиз, юрак касалликларини даволаш ва ташхис қўйиш бўйича анча тараққиётга эришилганини, ҳатто хасталанган юрак ўрнига янги юрак кўчириб ўтказилаётганини эшитмоқдамиз, кўрммоқдамиз. Бироқ мен бу ерда қалбга азоб берувчи ҳиссий ва бошқа касалликлар ҳақида эмас, балки Аллоҳ сари юрар экан, қалбга кўндаланг бўладиган синов ва имтиҳонлар ҳақида, қалбнинг соғлом ёки носоғломлиги аломатлари, имтиҳон ва синов майдонлари ҳақида гапирмоқчиман.

Мавзу давомида Аллоҳ ва Расулиниңг сўзларидан хужжатлар келтиришга катта эътибор бераман ин ша Аллоҳ. Аслида барча ишларимизни Қуръон ва Суннатдан олишимиз даркор. Бу билан қалб ҳақидаги гап енгил ва бепарво қараладиган мавзу эмаслигига эътибор қаратмоқчиман. Ҳеч ким қалбнинг қандай эканини уни яратган



Холиқидан ва ваҳий юборилган зот - Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламдан кўра яхшироқ билмайди:

«(Ахир) яратған зот (Ўзи йўқдан бор қилган нарсаларни) билмасми?!» (Мулк: 14);

«Зеро У сирни ҳам, энг маҳфий нарсаларни ҳам билур» (Тоҳа: 7);

«(Аллоҳ) қўзларнинг хиёнатини (яъни қараш ҳаром қилинган нарсага ўғринча кўз ташлашни) ҳам, диллар яширадиган нарсаларни ҳам билар» (Фоғир: 19);

«Ва у (сизларга келтираётган Куръонни) ўз ҳавоий-ҳоҳиши билан сўзламас. У (Қуръон) фақат (Аллоҳ томонидан пайғамбарга) вахий қилинаётган бир вахийдир» (Ван-нажм: 3, 4).

Шуни ҳам таъкидлаб ўтмоқчиманки, айрим одамлар ёлғиз Аллоҳнинг Ўзигагина маълум бўлган қалб амалларини билишни даъво қилмоқдалар ва таъқиқланган ишлар билан шуғулланиб, асоссиз нарсаларни валдирамоқдалар: «(Эй инсон,) ўзинг аниқ билмаган нарсага эргашма! Чунки қулок, кўз, дил - буларнинг барчаси тўғрисида (ҳар бир инсон) масъул бўлур (яъни, әшитган, кўрган, ишонган ҳар бир нарсаси учун киши Қиёмат кунида жавоб беради)» (Исро: 36).

Шундай экан, қалб сирларини ва ундаги нарсаларни қандай билишимиз мумкин:

Маҳол ишга қўл уриш



Гүё сувга ўт ёқиши...

Нега қалб ҳақида?

Қалб ҳақида гапириш ўзига хос аҳамият касб этиб, унинг бир неча сабаблари бор:

Биринчи: Аллоҳ таоло қалбни тозалаш-поклашга буюрди. Ҳатто Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам олиб келган рисолатнинг асосий мақсадларидан бири – одамларни поклаш эканини уқтириди ва ғоят мұхим бўлгани учун ҳам уларга буни Қуръон ва ҳикматни ўргатишдан муқаддам қўйди: «**У (Аллоҳ) омийлар** (яъни аҳли китоб бўлмаган илмсиз кишилар) **орасига ўзларида бўлган, уларга** (Қуръон) **оятларини тиловат қиласидиган, уларни** (ширк ва жаҳолатдан) **поклайдиган ҳамда уларга Китоб - Қуръон ва ҳикмат - ҳадисни ўргатадиган бир пайғамбарни** (яъни Мұхаммад алайҳис-саломни) **юборган зотдир..»** (Жумъа: 2).

Ибнул Қаййим раҳимаҳуллоҳ: «...**кийимларингизни покланг!**» (Муддассир: 4) оятининг тафсирида шундай деди: «Аввалги-ю кейинги муфассирлар «кийимлар» дан мақсад «қалб»дир, деганлар». («Амрозул-кулуб», 52).

Аллоҳ таоло яҳудий ва мунофиқлар ҳақида шундай дейди: «**Улар Аллоҳ кўнгилларини поклашни истамаган кимсалардир. Улар учун дунёда расволик, охиратда эса улуғ азоб бордир**

» (Моида: 41).

Бу – қалб ҳақида юритилаётган гапнинг мұхим ва яққол сабабидир.



Иккинчи: Қалб инсон ҳаётида йўлловчи, ундовчи, режалаштирувчи, бошқа аъзолар эса ижрочилик вазифасини бажарадилар.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу айтганлар: «Қалб – подшоҳ, (бошқа) аъзолар – лашкардир. Подшоҳ яхши бўлса лашкарлар ҳам яхши бўлади, ёмон бўлса лашкарлар ҳам ёмон бўлади» (ат-Тухфатул-ироқийя).

Учинчи: Бу мавзуда сўз юритиш боисларидан бири – кўплаб одамларнинг ўз қалбларидан ғафлатда эканлариdir. Масалан, айrim толиби илмлар баъзи масалаларни анча чуқур ўрганадилар: «Ташаҳҳудда бармоқни қимирлатиш суннатми?! Уни қандай ва қачон қимирлатиш керак?!» ва ҳоказо. Булар ҳақида изланиш муҳим ва фойдали, албатта. Бироқ ундан кўра ҳам муҳимроқ бўлган қалб амаллари, ҳолатлари ва касалликлари ҳақида баҳс юритишни унутиб қўядилар.

Тўртинчи: Одамлар, хусусан талабалар ўртасидаги аслида шаръий асосларга асосланмаган муаммоларнинг асосий сабабларидан бири – қалбларга етган касалликлардир. Бу муаммолар эгаларининг қалб ҳолатларини ва унга ўрнашган ҳасад, хиёнат, манмансираш, кибр, таҳқирлаш ва бадгумонлик каби касалликлар борлигини кўрсатади. Бу иллатларни йўқотиш учун ушбу қалбларни даволаш керак. Акс ҳолда сабаблари ортидан касаллик ҳам кўриниш бераверади.

Жамият воқелигига, одамлар ўртасидаги келишмовчиликларга, ҳақ-хуқуқларга доир ва молиявий хусуматларга бир назар ташлашнинг ўзи сўзимизнинг нақадар тўғри эканини исботлаш учун кифоя.

Бешинчи: Қалб соғломлиги ва холислиги – дунё ва охиратдаги баҳт-



саодат омилларидан биридир. Қалбнинг хиёнат, ҳасад, нафрат ва бошқа касалликлардан саломат бўлиши дунё ва охиратда хотиржамлик ва саодатга элтади: **«У кунда на молу-давлат ва на бола-чақа фойда бермас. Магар Аллоҳ ҳузурига тоза дил билан келган кишиларгагина** (фойда берур)» (Шуаро: 88, 89).

Кин ва иллатлардан холи, соғлом қалб берилган Абу Бакр розияллоҳу анҳу каби улуғ саҳобаларнинг ҳаётларига бир назар ташланг.

Олтинчи: Имом Абдуллоҳ ибн Абу Жамра раҳимаҳуллоҳ айтади:

«Олимлар ичида одамларга амалларидағи ният-мақсадларни ўргатиш билангина машғул бўладиган кишилар бўлишини истардим. Чунки кўп одамларга етган ёмонлик мана шуни (яъни ниятни) зое қилиш сабабли етган.»

(Шайх Салмон Авданинг «Ният ҳақида» дарси; «ал-Мадхал либнил-Хожж»: 1/3).

Имом бу сўзлари билан одамларга ишлардаги мақсадларини ўргатиш ҳамда амалларни бузадиган иллатлардан огоҳлантириш заруратини таъкидламоқда. Зеро, биз ҳадис, фикҳ, тафсир, наҳв, фароиз-мерос илми ва бошқа фанларда моҳир бўлган ва уни одамларга етказаётган олимларни кўрмоқдамиз. Бироқ, биз қалб мақомотлари, ҳолатлари, амаллари, иллатлари ва даволари ҳақида чуқур билим эгаларига ва уларни одамларга ўргатиб, уларнинг мақсад ва ниятларини тузатадиган олимларга ҳам муҳтожмиз.

Еттинчи: Аллоҳ таоло дунё ва охиратда қалб учун берган мақомлар.

Аллоҳ ва Расулининг сўзларидан олинган қўйидаги оят ва ҳадислар



бунга далил бўлади:

1 – Аллоҳ таоло пайғамбари Иброҳим алайҳиссалом тилидан шундай деди: «**Ва** (барча жонзот) **қайта тириладиган Кунда мени шарманда қилмагин. У кунда молу-давлат ҳам, бола-чақа ҳам фойда бермас. Магар Аллоҳ ҳузурига тоза дил билан келган кишиларгагина** (фойда берур)» (Шуъаро: 87-89). Қиёмат кунида соғлом қалб билан келганларгина нажот топадилар.

2 – Аллоҳ таоло Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам тилидан шундай деди: «**Жаннат тақводор зотларга йироқ бўлмаган** (бир маконга) **келтирилди** (ва уларга дейилди): «**Мана шу** (неъматлар) **сизларга - ҳар бир** (Аллоҳга) **қайтувчи**, (ўз аҳдини) **сақловчи** (риоя қилувчи), **Раҳмондан ғойибона қўрққан ва тавба-тазарру қилган дил билан келган кишиларга ваъда қилинаётган нарсалардир**» (Қоф: 31-33). Қани тавба-тазарру қилган дил, қани унинг сифатлари?!

3 – Имом Муслим «Саҳих»ида Абу Ҳурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинган қуйидаги ҳадисни келтирган: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Аллоҳ сизларнинг суратларингиз ва жисмларингизга қарамайди, балки қалбларингиз ва амалларингизга қарайди», дедилар. (Имом Муслим: 4/ 1987).

4 – Нўймон ибн Башир розияллоҳу анхудан ушбу ҳадис ривоят қилинган: «Огоҳ бўлинглар, танада бир парча гўшт борки, у тузалса тананинг ҳаммаси тузалади, агар бузилса тананинг ҳаммаси бузилади. Билингларки, у - қалбdir!» («Фатҳул-Борий»: 1/ 126; Имом Муслим: 3/ 1219).

Ушбу ҳадис оқил инсонлар учун ваъз ва дашном бўлишга кифоядир.



Саккизинчи: Қалбнинг иқрор ва тасдиқ каби сўзлари ҳамда қўрқув, умид, муҳаббат, таваккул ва хушуъ каби амаллари - ахли суннат ва жамоат эътиқодида иймоннинг энг катта рукнларидан ҳисобланади. Уларнинг амалга ошмаслиги билан иймон мукаммаллиги кечикаверади. Мана, мунофиқлар шаҳодат калималарини тиллари билан талаффуз қиласидилар, зоҳирий амалларида мусулмонлар билан биргадирлар, бирок, иқрор ва тасдиклари етишмагани боис **«жаҳаннамнинг энг тубан жойида бўладилар. Ва улар учун бирон мададкор топа олмайсиз!»** (Нисо: 145).

Тўққизинчи: Кўп одамлар борки, бошқаларнинг мақсадларини изоҳлаш, ғаразли йўллар билан тушунтириш, зоҳирига боқмасдан қалбидаги ниятларидан хабар бериш каби Аллоҳдан бошқаси билмайдиган ишларга берилишни асосий мақсадларидан бирига айлантириб олишган. Ажабланарлиси, бундай ишларни қилишни баъзи одамлар заковат, фаросат, зийраклик дея атамоқдалар. Ҳолбуки, бу каби фаросат ношаръий фаросат ҳисобланади. Чунки биз, одамларнинг ички дунёларини Аллоҳга ҳавола қилиб, зоҳирий амалларига қараб баҳо беришга буюрилганимиз.

Ўнинчи: Қалбнинг ўрни ва аҳамияти шундай экан, биз қалбимизга нисбатан нималар қилаётганимиз ва қалбларимиз бизга нисбатан нималар қилгани ҳақида бир оз тўхталиб ўтишимиз тўғри бўлмайдими?!

Ҳа, дунё ва майшат ишлари билан машғулмиз. Озгина фурсатни ҳам зоҳирий ишларимиз учун сарф этмоқдамиз. Қалбига эътибор берган кишиларнинг сони ичимиизда жуда ҳам оз. Шояд қалбнинг аҳамияти ва унинг инсон ҳаётига таъсири борасида юқорида эслатиб ўтганимиз сўзлар бизни қалбга қайтадан мурожаат этишга ва унга лойиқ бўлган



даражада эътибор беришга чорласа.

«Қалблар имтиҳони»нинг маъноси

Дўстлар, қалбларимиз эртаю-кеч, ҳаётимизнинг ҳар бир лаҳзасида имтиҳон остидадир. Биз буни биламизми? Ҳолбуки, битта хато шу қалбни ҳалок қилиши ёки ўша пайтдаги ишини барбод қилиши мумкин! Аллоҳ таоло айтди: «(Аллоҳ бу мағлубиятни) **кўнгилларингиздаги нарсани** (иймон ёки нифокни) **имтиҳон қилиш ва дилларингиздаги нарса** (иймон)ни поклаш учун қилди. Аллоҳ дилларни эгаллаган сирларни билувчиидир» (Оли Имрон: 154);

«Албатта Аллоҳнинг пайғамбари ҳузурида овозларини паст қилган зотлар - ана ўшалар Аллоҳ қалбларини тақво учун имтиҳон қилган (яъни тақво имтиҳонидан ўтган) **зотлардир**. Улар учун мағфират ва улуғ ажр-мукофот бордир» (Хужурот: 3).

Аллоҳ қалбларини имтиҳон қилган зотлар кимлар эди?

Мазкур оят Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам олдида овозларини кўтарган икки буюк саҳоба – Абу Бакр ва Умар розияллоҳу анҳумолар ҳақида нозил бўлган эди. Имом Бухорий Абдуллоҳ ибн Зубайр розияллоҳу анхудан нақл қиласиди: «Тамим қабиласидан бир гуруҳ Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига келишди. Абу Бакр розияллоҳу анҳу: «(Ё расулуллоҳ), уларга Қаъқоъ ибн Маъбад ибн Зурорани амир қилиб тайинланг», деди. Умар розияллоҳу анҳу эса: «Ақраъ ибн Ҳобисни амир қилинг», деди. Шунда Абу Бакр: «Сиз менга хилоф қилмоқчи бўлдингиз!», деди. Умар: «Сизга хилоф қилмоқчи эмасдим!», деди. Икковлари тортиша бошлади ва овозлари



кўтарилиб кетди. Шундан кейин: «**Эй мўминлар, сизлар Аллоҳ ва Унинг пайғамбари олдида** (яъни иккисининг изнисиз бирон сўз ёки ишга) **қадам босманглар! Ва Аллоҳдан қўрқинглар!** Албатта **Аллоҳ эшитувчи, билувчи**дир» (Хужурот: 1) ояти нозил бўлди.» («Фатхул-Борий»: 9/ 147).

Ҳа, Исломда мужомала йўқдир: «**Эй мўминлар, сизлар** (пайғамбар билан сўзлашган пайтларингизда) **овозларингизни пайғамбарнинг овозидан юқори кўтарманглар ва унга бир-бирларингизга очик** (дағал сўз) **қилгандек очик-дағал сўз қилманглар!**». Агар шундай қилинса натижа нима бўлади? «(токи қилган яхши) **амалларингиз ўзларингиз сезмаган ҳолларингизда ҳабата бўлиб кетмаслиги учун**» (Хужурот: 2).

Кўпчиликнинг наздида бу ҳолат шунчалик танбеҳга лойиқ эмасдек туюлади.

Мазкур оятда таҳдид қилинган одамлар кимлар эди?!

Абу Бакр розияллоҳу анҳу-ки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам у ҳақида: «Агар умматим ичидан бирон кишини халил қилганимда, Абу Бакрни халил қилган бўлардим», деган эдилар («Фатхул-Борий»: 1/ 558; имом Муслим: 4/ 1856).

Умар розияллоҳу анҳу-ки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам у ҳақида: «Жоним қўлида бўлган зотга қасамки, кетаётган йўлингизда шайтон сизга йўлиқиб қолгудек бўлса, сизнинг йўлингиздан бошқа йўлдан кетади» деган эдилар («Фатхул-Борий»: 6/ 339; имом Муслим: 4/ 1863).



(Бу оят нозил бўлганидан сўнг) икковлари ҳам тавба-тазарру қилдилар, истиғфор айтдилар. Улардан бири Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга худди сирлашаётган одам каби паст овозда гапиришга қасам ичди.

Шу ерда имтиҳоннинг натижаси чиқди: «**Албатта Аллоҳнинг пайғамбари ҳузурида овозларини паст қилган зотлар - ана ўшалар Аллоҳ қалбларини тақво учун имтиҳон қилган** (яъни тақво имтиҳонидан ўтган) **зотлардир. Улар учун мағфират ва улуғ ажр-мукофот бордир**» (Хужурот: 3). Яъни Аллоҳ уларнинг қалбларини тақво учун бўшатди ва қалбларида тақводан бошқа нарса учун ўрин қўймади, гўё қалблари тақво учунгина яралгандай бўлди». (Қаранг: Алусий, «Рухул-маоний», Хужурот сурасининг тафсири).

Бизнинг назаримизда Ислом умматининг энг афзал икки шахсияти ҳаётидан кичик бир манзара, икковлари тарафидан содир бўлган ғафлат учун кичик бир синов...

Улар ҳақида шундай бўлган экан, биз ўз ҳолимиз ҳақида нима дея оламиз?!

Ўзимиз сезмаган ҳолда қанча синовлардан йиқилдик экан?!

Шу ерда мазкур оятнинг ҳайратомуз сири очилади: «**сезмаган ҳолларингизда**». Чунки баъзида инсон сезмаган ҳолда ўз амалларини зое қилиб қўйиши мумкин. Яъни, у бир ишни қиласкан, шу билан амали ҳабата бўлиб кетишини ўйлаб ҳам ўтирмаиди, эътиборсизлиги ортидан ўз амалларини бекор қилиб юборади!

Қанча-қанча сўз ва амаллар борки, ўз эгаларини улар сезмаган ҳолда



ҳалокатга етказган!

Агар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурида овозни кўтариш Абу Бакр ва Умар розияллоҳу анҳумодек инсонларнинг амалларини бекор қилиб ташлайдиган бўлса, ҳақиқат қархисига овозларини кўтарган одамларнинг ҳоли нима кечаркин?! Ундейлар тоғут қонунларини Аллоҳ шариатидан афзал кўраётган, шайтон йўлида дўстлашиб, душманлашаётган кимсалардир!

«Қалблар имтиҳони»нинг маъносини кенгроқ тушунтириш учун Ҳузайфа ибн Ямон розияллоҳу анҳу ривоят қилган ушбу ҳадис ҳақида фикр юритиб кўрайлик: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Фитналар қалбларга (бўйра тўкувчига) бўйра новдалари (бирма-бир берилгани) каби рўбарў бўлади. Қайси қалб уни қабул қилса унда битта қора нуқта пайдо бўлади. Қайси қалб уни рад этса унда оппоқ нуқта пайдо бўлади. Ҳатто қалблар икки турли қалбга айланади; бири оппоқ, силлиқ тош каби (метин) бўлиб, бу қалбга Еру Осмонлар мавжуд экан фитналар зарар бера олмайди. Иккинчи қалб эса тим қора бўлиб, тўнтарилган қўзадек, на яхшиликни билади ва на ёмонликни қайтаради. Фақатгина истакларига бўйинсунади» (Имом Муслим: 1/ 128, 129).

Аллоҳ таоло қалбларимизни оқартирсин, гуноҳ, разолат ва шубҳалардан покласин.

Мазкур ҳадисда «рўбарў бўлади» жумласи келгуси замон шаклида зикр қилинди. Бу – имтиҳон ва синовларнинг давомийлигига далилдир. Яъни, фитналар бирдан эмас, аста-аста келиб, қалбни қорайтириб юборади (Аллоҳ сақласин!) ёки Аллоҳ уни сақлайди, у имтиҳондан ўтади, модомики еру-осмонлар бўлар экан фитналар унга



зарар берса олмайди.

Шайхулислом ибн Таймийя раҳимаҳуллоҳ айтади: «Нафс туғён ва дунё ҳаётини афзал кўришга чорлайди. Аллоҳ таоло эса бандасини Ўзидан қўрқишишга, нафсни майилликларидан тўсишишга чорлайди. Қалб икки даъватчи ўртасидадир. Мана шу - фитна ва синов ўрнидир».

Мулоҳаза

Бу ерда бир муҳим мулоҳаза бор. Айрим даъватчи ва толиби илмлар имтиҳондан мақсад - қамоқ, қийноқ, асирик, ўлим каби ҳиссий жазолар ёки одамлардан яккаланиб қолиш, сўзига қулоқ солинмаслик, масхара, мазах ва бошқа шу каби маънавий озорлар деб гумон қиласидилар. Бу - имтиҳоннинг айрим қисмларинигина ўз ичига олган тушунча, холос. Чунки, энг ашаддий синов қалб синови ва имтиҳонидир. Тан жазоларига сабот билан тура олган, бироқ, қалб синовида йиқилган қанча-қанча инсонларни кўрдик! Шунинг учун ҳам, мустаҳкам билим эгалари Аллоҳ таолога: **«Роббимиз, бизни ҳидоят қилганингдан кейин - энди дилларимизни ҳақ йўлдан оғдирма ва бизга Ўз ҳузурингдан раҳмат ато эт! Албатта Сенгина барча яхшиликларни ато этувчисан!»** (Оли Имрон сураси: 8) деб илтижо қиласидилар.

Қалблар имтиҳони ва имтиҳоннинг маънолари ҳақидаги муқаддимани қаттиқ огоҳлантиришни ўз ичига олган ва мўъминларга қаратилган ушбу раббоний чақириқ билан тугатмоқчимиз: **«Эй мўминлар, Аллоҳ ва Унинг пайғамбари сизларни абадий ҳаёт берадиган нарсага (яъни, динга) даъват қиласар экан, уни қабул қилинглар ва билингларки, шубҳасиз, Аллоҳ ҳар бир киши билан унинг қалби ўртасини эгаллаб турар ва шубҳасиз, Унинг ҳузурига**

тўпланасизлар» (Анфол: 24).

Аллоҳ таолодан бизни Аллоҳ ва пайғамбариға ижобат қилишга муваффақ қилишини ва ёрдам беришини, қалбларимизни тирилтиришини, қалбларимиз билан гуноҳлар ўртасини тўсишини сўраймиз. Дарҳақиқат, У бунинг ҳожаси ва бунга қодирдир.